

# ЎЗНОНСИ

Ушбу сонда:

- 2 ИНСОФГА КЕЛИНГ, ДИРЕКТОР!  
Шикоят хати изидан
- 3 КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ  
ДАМ ОЛИШГА  
ТАКЛИФ ЭТАДИ!
- 4 ҲОЖАТБАРОР  
ҚАЛАМКАШ

## ДАСТУР АМАЛДА

Саховатли бўлиш халқимизга хос фазилат. Фориш туманида ҳам ёрдамга муҳтож оилаларга бир бошдан сиз берилди. 100 ёшдан ошган 4 нафар онахоннинг юбилей тўйлари, кам таъминланган оила фарзандларининг 6 нафарига хатна тўйлари ва икки жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйлари ҳомийлар томонидан ўтказилди.

Ногирон, ёрдамга муҳтож, ёлғиз кексалар ҳамда уруш қатнашчиларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. 21 нафар қариянинг газета-журнал олиб ўқиши, уруш ногирони ва кўзи охиш кишиларнинг автобусда bepул юриши учун имтиёзлар яратилди.

Бундан ташқари, республикадаги ихтисослашган соғлиқни тиклаш маркази, Гагарин номидаги маъданли сув санаторийи ва Жиззах қариялар пансионати таширф буюрувчиларга бешиннат хизмат кўрсатмоқда.

Ўсиқ дилларни шод этишдан улкан савоб йўқ. Ҳомийлар томонидан берилган ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламалари ва bepул дори-дармонлар бир неча қариянинг ҳолатини чикарди.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
журналист

## • Конституциямизнинг 14 йиллиги олдидан

Мақтабдан қайтган тўққиз яшар қизчанинг қувончи чексиз: Конституция қабул қилинган кунга бағишлаб «Сиз қонунни қандай биласиз?» мавзусида ўтказилган тадбирда биринчи ўринни олибди. Бу борада берган саволларинга мутахассислар каби оғишмай, тўғри жавоб қайтариши қалбини тўлқинлантириб юборди. Бейхитёр ўйлаб қоларкансан киши: кеча қим эдик, бугун қиммиз?

## ЎЗАЛГИМИЗНИ АНГАТГАН ҚОНУН

нуний фаолиятлар қайд этилмади.

Шунингдек, туман тасаруфиди «Хуқуқий маданият маркази»нинг иш бошлагани аҳолининг қонун мажмуаларини пухта ўзлаштиришига имкон берди. Ҳозирги пайтда марказ доимо одамлар билан гавжум. Дастур ва адабиётлар, мезърий ҳужжатлар билан яқиндан танишиш иштирокида бўлганлар ҳам тобора ортиб бормоқда. Ҳолбуки, авваллари бундай марказлар бўлмагани сабабли аҳоли ва хуқуқ-тартибот муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик анча суст эди.

Бундан ташқари, мактаб, ўқув муассасалари ва коллежларнинг йиллик ўқув жадвалига ҳам қўшимча хуқуқий дарслар киритилган. Бир соатлик дарс сабоқлари жараёнида хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўқувчилар билан мулоқотлар ўтказиб бориши одатга айланди.

Собиқ иттифок даврида империя мақсадларига хизмат қилувчи қонунлар маж-


муасига таяиб иш юритилганлиги боис, халқ ва хуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик шаклланимаган. Гагининг рости, кўпчилик ана шу ташкилотларга тўғридан-тўғри кириб келиб муурожаат қилишдан қўчишарди: негаки, «прокуратура ёки бошқа хуқуқий органларга ишнинг тушди, энди қутулмайсан», деган тушунчалар мавжуд эди. Хуқуқ-тартибот идоралари халқ учун, унинг барча қонунлари ва мажмуалари эса эл-юрт келажагига хизмат қилишни кишиларимиз мустақиллик Конституциясиз тўғри аниглаб етишмоқда.

Бош Қомусимизнинг асосий мақсадларидан бири, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар аҳолини яхшилаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий хуқуқларини қафолатлашга қаратилган. Шахрихонда бу борадаги сый-ҳаракатлар кўлами жуда кенг. Қарамонда ҳеч қим йўқ, кам таъминланган ва вақтинчалик ногирон макони олганлар доимо эътиборда. Давлат томонидан

лиқдан ногиронларга ҳомийлар саховати билан аравачалар олиб берилди. Учта кам таъминланган ва кўп болали оилага академик Тошмуҳаммад Саримсоков номли ширкат хўжалиги ва фермерлар янги турар-жой қуриб бериши.

Ешларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш бўйича анчагина тажрибали тўлгангани, айниқса, қувонарли. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касана-чилик ривожлангани боис, кейинги 4 ой оралигида 2,5 минг нафар киши қайта ихтисослаштирилиб, доимий иш билан таъминланди. Муҳими, одамлар ўз ҳақ-хуқуқини пухта аниглаётгани сабабли ноқонуний ҳаракатлар камаймоқда. Ўзликни аниглаш ва келажагимиз пойдеворини яратиш ўз қўлимизда эканлигини барча фуқаролар тушуниб етмоқдалар.

Олимжон СОЛИЕВ,  
Шахрихон тумани  
прокурори



41-модда.  
Ҳар қим билим олиш хуқуқига эга.  
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади.  
Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан

Инсон кадр-қиммати улугланган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Бунинг ишоти ўларок, мамлакатимиз бош Қомусида ҳам инсонни қадрлаш, ҳақ-хуқуқини ҳимоялаш асосий мезон қилиб олинган. Юртбошимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат» номли асариди «Ўзбекистон инсон хуқуқини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмалиги керак» дея алоҳида таъкидлайди.

Шахрихон туманида ҳам аҳоли ўртасида қонун устуворлигини таъминлаш ва тарғиб этиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Масалан, прокуратура таркибиди тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди. Айни пайтда, ҳафтанинг ҳар чоршанбасида ана шу бўлим «очик эшиклар қуни» ўтказишни йўлга қўйган. Унда ишбилармонлар қаторида бошқа соҳадагилар ҳам таширф буюриб, хуқуқий билим кўникмаларини мустаҳкамлашарпти.

Аҳолининг барча қатламлари шуурида хуқуқий маданиятни шакллантиришда, айниқса, туман агро-росаноат мажмуи ҳамда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаларининг хуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлиги муҳим ўрин тутаяпти. Бу тизимларда амалдаги қонунлар бўйича иш юритилаётгани боис, жорий йилда ноқо-

талабаси Муҳаддас Йўлдошева «Ўзбекистон жанубида фермерликни ривожлантириш муаммолари» республика илмий-амалий конференциясида «Фермер хўжалиқлари тупрок унумдорлик бонитети» мавзусида чиқиш қилди. Яна бир талаба Шерзод Туропов жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанидан республика олимпиадаси иштирокчиси. Европада Хафсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистонда «Ешларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш» ўқув-семинарида «Иқтисодиётни модернизациялаш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишлари», «Аграр соҳада иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари» мавзусида илмий мақолалари билан чиққан.

Технология факультети 3-курс талабаси Гулноза Қоллонова «Конституция билимдони» кўрик-танловини да факрли ўринни эгаллаган. Унинг «Мажнунот қисмати», «Масъулият ҳисси», «Конституция ва экология хуқуқи», «Маҳалла ва ёшлар», «Касб таълими» факультетида ўқийдиган Бобур Хўжақелдиевнинг «Ирригация эрозия шариоитида суғориш далаларининг катта-кичиликлиги ва агротехник тадбирларни қўллаш», «Чинқиндиларни табиий озуккага айлантириш жараёнида экологик тоза электр технологиялардан фойдаланиш»

Иззат ҲИҚМАТОВ,  
«Ишонч» мухбири

## • Хабар



## Халқаро кўргазма

Шу йилнинг 28 ноябридан 30 ноябрига қадар Тошкент шаҳрининг «Интерконтинентал Тошкент» меҳмонхонасида «BuildExpo Uzbekistan 2006» қурилиш материаллари ва ускуналари, дераза ва эшик, яхлантириш ва иситиш системалари бўйича Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар. Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар.



## • Тадбир

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг кўча кубоги учун мини футбол мусобақалари бошланди. Бу йилги мусобақалар иштирокчилари ҳудудий-минтақавий таъминот асосида учта гуруҳга



## КУБОК КИМГА НАСИБ ҚИЛАРКИН?

бўлинган. Наманганда «Шарқий», Бухорода «Фарбий» ҳамда Тошкент шаҳри гуруҳларининг ҳар бирида 50 дан зиёд алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг корхона ва ташкилотлари жамоаси голиблик учун курашдилар. Гуруҳ голиблари бўлган жами 12 жамоа энди финалда тўқнаш қолди.

Кеча Чирчиқ шаҳрида мусобақаларнинг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Тошкент телеком — Тошкент шаҳар телеком тармоқлари жамоалари дастлабки ўйинда майдонга тушди. Уйин 1:0 ҳисоби билан Тошкент телеком жамоаси фойдасига ҳал бўлди. Қолган ўйинларда қу-

## • Модернизациялаш жабҳасида

Тошкент Давлат авиация институтининг «Учиш аппаратлари конструкцияси, лойиҳалаш ва уларнинг аэродинамикаси» кафедраси очилганига 50 йил тўлди. Дастлаб «самолётсозлик» деган ном билан ўз фаолиятини бошлаган бу йилги кафедра юбилей санасини муносиб кутиб олмоқда.

## «САМО» ПАРВОЗГА ШАЙЛАНМОҚДА

«Парвоз этувчи аппаратлар янги авлодининг мукамал лойиҳаларини яратиш йўлида олиб борилаётган илмий ва лойиҳа конструкторлик ишлари, айниқса, қутилган натижалари бермоқда. «Дастлабки лойиҳа», «Эски лойиҳа» ва «Ишчи лойиҳа» деган уч босқичли жараёнлар асосида амалга оширилаётган илмий изланишлар халқ хўжалиги учун ёнғил ва кўп мақсадли самолётлар намуналарини тайёрлашда қўл келиши мумкин.

«Само» деб номланган самолёт бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа, айниқса, мутахассислар томонидан яхши баҳоланди. Махсус грант бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари амалиётда қўллаш учун «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акционерлик жамияти раҳбариятига топширилди.

Кафедрага ажратилган наватдаги грант ҳисобидан икки турдаги самолёт лойиҳа конструкторлик ишлари амалга оширилди. Натижда маҳаллий ҳаво йўллари учун ёнғил самолёт ва «қўёш энергияси ёрдамида парвоз қилувчи ўта ёнғил самолёт»нинг дастлабки лойиҳаси юзага келди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиши қўзда тутилган махсус самолётни лойиҳалаш бўйича эълон қилинган танловда кафедра учта таклиф билан қатнашди. Шулардан иккитаси грант билан тақдирланди. Ҳудудий қишлоқ хўжалик самолётларининг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилган таклифларга 5,6 миллион сўм ажратилди. Махсус магистрал юк ташувчи самолётларни лойиҳалашдан иборат иккинчи тадқиқотни амалга ошириш учун эса 3,5 миллион сўм берилди.

Бу каби замонавий лойиҳа конструкторлик ишларида изланувчан талаба ёшлар ҳам фаоллик кўрсатаётганлигини мамнуният билан айтиб ўтиш жоиздир.

Ақбар АЛИЕВ

## • Ижтимоий ҳимоя

## КАСАБА УЮШМА СТИПЕНДИАТЛАРИ

Мулаттўйчи Тошмуҳаммадов номли мусикали драма театри шодийналар оғушида. Қашқадарёнинг ҳамма шаҳар ва туманларидан, республика пойтахти Тошкентдан ҳам вакиллари келишган.

Тўпланганларнинг олкишилари остида Абдузоирга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг стипендиати сувоҳомаси топширилганда, у қувончини яширолмади.

Эндигина йигирма бир ёшга қадам қўйган йигитнинг ҳаётида эслайдиган воқеалар бисёр. Тақдир тақозиси билан Қашаши туманидаги Меҳрибонлик уйида тарбияланди. Бериуний номли ўрта умумтаълим мактабини битирди.

Саховатпеша инсонлар болани меҳр оғушига олдилар. «Шўртангазимё» мажмуаси раҳбари, Олий Мажлис сенатори Алишер Султоновнинг қўллаб-қувватлиши билан шартнома асосида Қарши Мухандислик иқтисодиёти институтига ўқишга кирди. Ҳозирги пайтда муҳандис-техника факультети нефть ва газ йўналиши иккинчи курс талабаси. Аълочи ва жамоатчи. Компьютер сирларини эгаллаш қаторида инглиз тилида эркин мулоқотга кириша олади.

— Қасаба уюшма ташкилотлари раҳбарларидан миннатдорман, — дейди Абдузоир тўлқинланиб. — Уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— Президентимизнинг

қувчи, талаба ёшларни рағбатлантириб бориш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган фармонлари, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури, республика Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг учинчи қурултойи қарорларидан келиб чиқиб олий ва ўрта махсус ўқув юртида таълим олаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли, жамоатчи талаба ва ўқувчиларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамоат ишларида фаоллигини ошириш мақсадида «Қасаба уюшмаси стипендиаси» таъсис этилган, — дейди таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Шодмон Кубаев. — Жорий йилда «Қасаба уюшмаси стипендиаси»га 24 нафар йигит-қиз сазовор бўлди.

Стипендия соҳиблари ўқишда, турмушда ўрнат қўрсатмоқдалар. Қарши Мухандислик иқтисодиёти институти агромуҳандислик факультети

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Хоразм вилоят Кенгаши иқтидорли, фаол талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш, талаба-ёшлар орасида қасаба уюшмаси аълолигини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар уюштириб келмоқда. Бу тадбирларда талабалар ўз иқтидори ва имкониятларини янада кенгрок намойён қилмоқдалар. Кенгаш талабаларга ўзининг махсус ва устама стипендиасини таъсис этган. Ўтган олти йил мобайнида 65 нафар талабага 4909,9 минг сўм миқдорда стипендиялар берилди.

Жорий 2006 — 2007 ўқув йилида ҳам махсус ва устама стипендия учун танлов эълон қилинган. Ушбу танлов асосида Урганч Давлат университети ва вилоятдаги ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасалари талаба ва ўқувчи ёшларидан 16 нафари мазкур стипендияларни олиш шарафига муваффақ бўлдилар. Шунингдек, мазкур ўқув йилида кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган 200 дан

зиёд аълочи ва жамоатчи талабалар моддий рағбатлантирилди.

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ва Урганч санъат коллежи билан ҳамкорликда «Талабалик — олтин даврим» шиори остида ўтказилган тадбир барчага манзур бўлди. Унда кенгаш стипендиатлари, вилоятдаги барча коллежларнинг талабалари фаол иштирок этишди. Бир гуруҳ ёшларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Урганч санъат коллежи талабалари иштирокидаги концерт дастури тадбирга ўзгача файз бағишлади.

— Талабалар — бизнинг келажагимиз. Уларга қанчалик кўп эътибор қаратсак, қўллаб-қувватласак, келажагимиз пойдевори шунчалар мустаҳкам бўлади, — дейди таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Хоразм вилояти Кенгаши раиси Муъассар Раҳимова. — Йил давомида уларга бағишлаб қўллаб урчушулар, кечалар, мусобақалар, танловлар ўтказишни режалаштирганмиз.

Муҳаббат ТўРАБОВА,  
«Ишонч» мухбири

# Ҳақ – ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

## Бизга жавоб берадилар ШАРТНОМА ТАЛАБИНИ БУЗГАН АРИЗАЧИ...

Фуқаро С. Олимовнинг ҳокимлик мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ёзган аризаси бўйича Янгикўрғон туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди. Ҳақиқатан ҳам ариза муаллифи 2004 йил 29 июлдан бошлаб 2005 йилнинг 28 сентябр кунига қадар жами 22 марта муурожаат қилган, мазкур аризаларнинг барчаси туман ҳокимининг ўринбосарлари ва бошқа мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилган ва аризага ёзма равишда жавоблар юборилган.

Шунингдек, аризадаги «Гулшан» ширкат ҳўжалигидан ўз ҳақини ундириб беришни, туман ҳокимлиги томонидан мазкур масала юзасидан ўзини қониқтирадиган жавоб ололмаётганини билдирган.

С. Олимов ва тумандаги собиқ «Гулшан» ширкат ҳўжалиги ўртасида 2005 йил 10 март кунини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузилиб, шунга асосан ширкат ҳўжалигининг 14-сонли бош пудрати ҳудудидан унга 6 гектар ер майдони ажратиб берилиши, пудратчи томонидан эса бу ерга картошка экилиши ва ширкат ҳўжалигига ҳар бир гектар ердан 22 минг килограммдан, жами 132 минг килограмм картошка маҳсулоти топширилиши белгилаб қўйилган. Шартномага асосан ширкат ҳўжалиги томонидан пудратчига 6 гектар ер майдони ажратиб берилиб, картошка етиштириш учун 26460 килограмм уруғлик картошка ҳам ажратилган.

Бирок, аризадаги томонидан шартнома талаблари бузилиб, 4 гектар ерга картошка экилиб, қолган жойга кунгабоқар экиб юборилган. Ҳўжаликка фақат 15650 килограмм картошка топширган; қолган 116350 килограмм шартномада келишилган маҳсулотни топширмаздан, ҳўжаликка зарар етказган.

Етказилган зарарни ундириш мақсадида ширкат ҳўжалиги бошқарув раиси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво аризаси қиритилган ва суд даъвога «Гулшан» ширкат ҳўжалиги фойдасига жавобгар С. Олимовдан 116350 килограмм картошкани натура ҳолатида ёки 12 миллион 798 минг 500 сўмлик унинг қийматини ва 100 минг сўм давлат божи ундириш ҳақида 2005 йил 23 июн кунини ҳал қилув қарори чиқарган.

Мазкур низоли масала фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, Чуст туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Текшириш якунларига кўра, фуқаро С. Олимовга аризада кўрсатилган масалалар низоли ҳамда шартнома муносабатларида оид бўлганлиги сабабли фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди орқали назорат тартибда юқори босқич судига шикоят қилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилди.

**Б. ТУРСУНКУЛОВ,**  
Янгикўрғон туман прокурори,  
адлия кичик маслаҳатчиси

## Биздан сўраган эдингиз

**Савол:** Президентимизнинг пенсия ва нафақаларни 20 фоиз оширилиши тўғрисидаги Фармондан сўнгги ўтган давр мобайнида ўзининг ва турмуш ўртоғининг пенсиясига туман ижтимоий таъминоти томонидан оширилган тарзда берилиши керак бўлган сумманинг 2017 сўми кам тўлаб келинмоқда. Шу боис юқоридagi сумманинг тўлиқ тўланишида ёрдам берсангиз.

**Ф. Суяркулов,**  
Оқтош шаҳри

**Жавоб:** Мақтубингизда келтирилган фикрларга кўра сизнинг ва турмуш ўртоғингизнинг пенсияси 20 фоиз эмас, балки 15 фоизга оширилган. Ушбу ҳолатга оидинлик қиритиш учун яна туман ижтимоий таъминот бўлимига муурожаат қилишингиз керак. Улар масалани қайта кўриб чиқиб Фармонда кўрсатиб ўтилган миқдорда сизга пенсия тайинлашлари лозим.

**Савол:** Фарзандимнинг бир қўли ногирон бўлганлиги боис III гуруҳ ногиронлиги берилган. Шунга кўра унга 16 ёшга киргунга қадар ижтимоий таъминот бўлими томонидан нафақа берилаётган эди. Қизим 16 ёшга тўлган, бу нафақа пули тўхтатиб қўйилди. Сабабини тушунтириб берсангиз.

**Умида Муҳаммадова,**  
Тошкент шаҳри

**Жавоб:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги қарор билан тасдиқланган «Болаликдан ногиронларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан болаликдан ногирон бўлган I-, II-, III-гуруҳдаги инсонларга ҳақиқатан ҳам нафақа 16 ёшга тўлгунга қадар тайинланади. Ногирон боланинг алимент ёки бошқа турдаги нафақани олиши унга ногиронлик нафақаси тўлашига тўсқинлик қилмайди. Бола 16 ёшга тўлганда албатта бу нафақа тўхтатилади. Шундай ҳолат бўлганда унга кам таъминланган оила аъзоси сифатида моддий ёрдам кўрсатилиши ёки меҳнат сўзи эга бўлмагандаги ногиронлик нафақаси тайинлаши мумкин.

**Саволларингизга ТДЮ «Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи» кафедраси мудири Муборак Усмонова жавоб берди**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва шу асосида қабул қилинган қарорлар фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишда дастурийамалдир.

Хатирчи тумани заршунослари бу йил ҳар йилгидан анча салмоқли пахта хирмонини бунёд этишди. Қарийб 108 фоизга удаланган давлат буортмасининг асосий қисмини деҳқон ва фермерлар етиштириб бердилар. Афсуски, ҳамма жойда ҳам фермерлар фаолиятига хайрихоҳлик бир хилда билдирилмапти.

Тумандаги А.Ерлақабов фермер ҳўжаликлари уюшмасидаги «Даштобод» фермер ҳўжалиги жорий йилда давлатга 40 тонна пахта хомашё-

си топшириш бўйича контрактация шартномасини тузган эди. Куз келиб, галвир сувдан кўтарилган паллада эса, ҳўжалик давлатга атиги 20 тонна 300 килограмм пахта топширди.

Ҳўш, 20 гектар майдонга сара уруғлик чигитини ўз вақтида қадаб тўлиқ ниҳол олишга эришган, бутун ёз давомида агротехника қоидаларига риоя

тирчи бўлимига қарашли «Учқора» насос станцияси ва А.Ерлақабов фермерлар уюшмасига қарашли «Жовурзор-Хонака» СФУ айби билан мазкур ҳўжалик далалига сув бир маромда етказиб берилмаган. Фермернинг бу ҳақдаги ариза ҳақсиз равишда эътиборсиз қолдирилгани ҳам ўз исботини топди.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда туман прокуратураси ҳар икки бошқармадан «Даштобод» фермер ҳўжалиги фойдасига 4.880 минг сўмлик зарарни ундириб бериш тўғрисида Навоий вилоят прокуратурасига тақдимнома киритди.

Бир сўз билан билан айтганда, фармон ва қарорлар талабидан келиб чиққан ҳолда фермерлар манфаати ҳимоя қилинмоқда.

**Мамаюнус УМАРОВ,**  
Хатирчи туман прокурори,  
адлия маслаҳатчиси

## ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бугунги кунда жойларда ташкил этилган милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлик ҳақида эътиборни мўҳим қилган қонунбузарликларнинг олдини олишда мўҳим аҳамият касб этмоқда. Бунини яхши англаб етган Янгийўл туман ИИБ ходимлари ҳам бу борада ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

**Суратда: 302-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Рустам Ерлақабов, туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Абдукарим Тўраев ҳамда Ойбек номли маҳалла посбони Аббос Ёдгоровлар навбатдаги тадбир олдидан.**

Истеъмолчи сифатида ҳаммамиз ҳам дўконга кириб эҳтиёжимизга керакли маҳсулотларни харид қиламиз. Кўпинча харид қилаётган маҳсулотимиз сифатлими, ҳужжати борми, дея қизиқиб ўтирмаймиз. Ваҳоланки, ноқонуний олиб келинган товар қатор салбий ҳижатлари билан турмуш тарзимизга таъсир кўрсатиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизга ноқонуний олиб келинаётган маҳсулотлар сифатига қарол борми? Масаланинг ана шу ҳижати мўҳим.

## Қонун барчага баробар

вишда савдо амалга оширилган. Яъни, Россия Федерацияси, Украина, Козовина, Молдавия, Грузия, Испания, Франция, Аргентина, Италия давлатларида ишлаб чиқарилган

Ҳужжатсиз, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига чек қўйиш нафақат тегишли идораларнинг, балки барчанинг фуқаролик бурчидир.

Равно Очилова билан Пулатбек Тожиевлар кингир ишга кўл урган. Гап шундаки, улар спирт билан «бизнес» қилиш ниятида хорижда ишлаб чиқарилган 1,5 литрли 134 та «бақлажак»даги спирт маҳсулотини енгил автомашинага юклаб, пойтахтимиздаги «Янгиобод» ёйма бозори томон рўпни буришди. Бироқ кўл ўтмай «бизнесмен»лар тўхтатилди. «Бу ишингиз қонунга зид» дея ҳужжат расмийлаштирилди.

Шавкат Каримов Со бир Рахимов туманида жойлашган «FOOD TRADING BUSINESS» масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўкони раҳбари. У ҳам қонунни бузган. Мазкур дўконда 169 турдаги умумий

қиймати 2.169.225 сўмлик спирт ва тамаки маҳсулотининг қирим ҳужжати ва божжона юк хати йўқ экан. Бундан ташқари, дўконда истеъмол қилиш мўддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳам етмагандай, бир миллион сўмликдан зиёд пул назорат-касса машинасига қирим қилинмаган. Ҳуқуқбузарга нисбатан қиноват иши кўзга тилиди. «IPAK YOLI» ресторанида ўтказилган текширишда ҳам ноқонуний иш фош этилди. Ушбу ресторанининг «Етти гўзал» бариди қонунга хилоф ра-

## ҲУЖЖАТСИЗ – СИФАТСИЗ

қиймати 2.169.225 сўмлик спирт ва тамаки маҳсулотининг қирим ҳужжати ва божжона юк хати йўқ экан. Бундан ташқари, дўконда истеъмол қилиш мўддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳам етмагандай, бир миллион сўмликдан зиёд пул назорат-касса машинасига қирим қилинмаган. Ҳуқуқбузарга нисбатан қиноват иши кўзга тилиди. «IPAK YOLI» ресторанида ўтказилган текширишда ҳам ноқонуний иш фош этилди. Ушбу ресторанининг «Етти гўзал» бариди қонунга хилоф ра-

қиймати 2.169.225 сўмлик спирт ва тамаки маҳсулотининг қирим ҳужжати ва божжона юк хати йўқ экан. Бундан ташқари, дўконда истеъмол қилиш мўддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳам етмагандай, бир миллион сўмликдан зиёд пул назорат-касса машинасига қирим қилинмаган. Ҳуқуқбузарга нисбатан қиноват иши кўзга тилиди. «IPAK YOLI» ресторанида ўтказилган текширишда ҳам ноқонуний иш фош этилди. Ушбу ресторанининг «Етти гўзал» бариди қонунга хилоф ра-

**Адолат ҳаёт учун сува ва ҳаво сингари зарурдир. Аддолат чекинган жойда инсон кадр-қиммати заҳа ёйди. Соддалик халқимизнинг энг олий фазилати — унинг ҳақуғийликка ташналигидир.**

**Шу туфайли аждодларимиз асрлар давомида аддолат йўлида курашиб келган. Тилақлар мустақоб бўлган айни дамларда аддолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек улғувроқ мақсадлар йўлидан дадил бормоқдамиз. Бу тушун пайдеворининг мустаҳкамлиги, энг аввало, фуқаролар манфаатларининг одилона ҳимояланishi билан ўлланади. Шундай экан, бирор кишининг ҳақсизликда ҳаёт кечирishi инсофдан эмас.**

Қарийб икки ой ушбу мақолани ёзишга истиҳоло қилдим. Ахир, ким ҳам хато қилмайди? Лойқаланган сува албатта тинийди. Хатони тушуниш, кечиримлик барча гина-қудуратларни тарқатиб юборади. Лекин... Бундай бўлмади...

Келинг, аввал Кармана тумани, Кармана кўчаси 122-уйда яшовчи Ҳ.Файзиёвнинг тахририятимизга ёзган шикоят хатидан сатрлар келтирайлик:

«Шунча ёшга кириб бирор идорага аризи қилган эмасман. Лекин қутлимганга ноҳақликлар, зимдан қилинган тазийқлар кишини ҳар кўйга солар экан.

Мен 23 йилдан буён Навоий тиббиёт коллежида ўқитувчилик қиламан. Ўтган давр мобайнида жамоа билан биргаликда кўпгина ютуқларга эришганмиз. Хизматларим инобатга олиниб, коллеж директори Вали Эргашев тавсияси билан «Педиатрия» кафедраси мудири этиб тайинланганман.

Гап шундаки, мен раҳбарлик қилаётган 203-гуруҳда М.Қоди-рова, Г.Ражабова исмли қизлар декабр ойидан ўқий бошлади. Улар гарчи журналда қайд этилмаган бўлишса-да, дарсларга қатнашарди. Бунини сезиб, қизлардан ҳужжатларини талаб қила бошладим. Кўп бора шу ваҳ билан дарсдан чиқариб юбордим. Охири улар ҳужжатларини «Қадрлар бўлими»га топширганликларини айтишди. Кадрлар бўлимига учрамаганимнинг боиси: «Домла нега изимни ўлчаб юрибди?» дея ўйламан, деган истиҳолода борганидан эди. Чунки 213-гуруҳда ҳам ана шундай фамилияси қайд этилмаган қизлар ўқитар эди. «Майли, директор билан келишилгандир»,

Раҳматовнинг касбий ёндошувлари ниҳоятда жўяли ва асосли. Мисол учун коллеж директори-нинг 2006 йил 13 мартдаги 88-сонли буйруғида айнан шундай жумлалар келтирилган:

— Файзиёва Ҳикоят ўзи раҳбарлик қилган 203-гуруҳда, ноқонуний равишда 2 нафар ўқувчини 3 ой мобайнида раҳбар ходимлардан яширинча, бирор бир ҳужжатсиз ўқитиб келганлиги ўз меҳнат вазирасига масъулиятсиз ёндошиб, кўпол хатоликка йўл қўйганлиги сабабли 40 фоиз ойлик маошидан ушлаб қолиш жаримаси билан «Хайфсан» берилсин ва иш фаолияти ички назорат комиссияси томонидан икки кун мўддат ичида таҳлил қилиниб, 2006 йил 15 мартда навбатдан ташқари илмий педагогик кенгаши йиғилиши-

рилан розилик хати эмас-ку! Тиббиёт коллежи касаба уюшма кўмитаси раиси Хусниддин Шодиевнинг «Ишонч» газетасига ёзган тушунтириш хатидан жумлалар келтирайлик:

«2006 йил 15 март кунини коллеж директори менга тақдимнома билан муурожаат қилиб, Ҳ.Файзиёвнинг иши юзасидан касаба уюшма тезда фикр билдиришини сўради. Айтилган масалани олти нафар аъзолар билан муҳокама қилдик. Аммо бу йиғилишда ўқитувчи Ҳ.Файзиёвнинг ўзи йўқ эди...»

Директор ўша кунинг қарорини топширишини сўраган эди. Шунинг учун шовдиқ. Бизнинг мақсадимиз Ҳ.Файзиёвни асло «статья» билан бўшатилиш эмасди, аксинча имкон қадар жазони енгиллатиш эди...»

Ҳа, Хусниддин айтганидек, ма-

Дарвоқе, яна бир гап. Маъмурият таъбири билан айтганда, аллақачон «статья» билан бўшатилган ўқитувчининг «меҳнат дафтарчаси» давомига орадан 7 ой ўтган, яъни 18 сентябр 2006 йилда яна бир антиқа буйруқ эъзиб қўйилди. 90-сонли бу буйруқда «Меҳнат шартномаси бе-кор қилишдаги ёзув қуйидагича ўзгаририлсин: Меҳнат шартномаси бекор қилинсин».

Мазкур буйруқни ўқиб туриб, ҳеч нарсига тушунолмаган, киши. «Ҳўжаали-Алихўжа»га ўхшаб кетади, гўё. Бу билан нима ўзгариб, кимга енгиллик бўлди? Агар бир балоси бўлма-са, ўчган ўтни титиб, бундай буйруқ кўшимча ёзилариди?

Фуқаро Ҳ.Файзиёва ўз хатида Навоий вилоят фуқаролик ишлари бўйича судига ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари

## Журналист суриштируви

моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексининг 345-моддасига асосланиб, Навоий вилоят прокурори Б.Шомирова номига фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида протест қиритишини сўраб тақдимнома йўллаганмиз.

Яқинда Навоий вилоят прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Илҳом Қўчқоровдан яна бир харабарни эшитдик. Маълум бўлишича, фуқаро Ҳ.Файзиёвнинг фуқаролик иши ваколат даражасида ўрганиб чиқилган ва ундаги айрим эътиборсизликлар ўз исботини топган. Шунга кўра вилоят прокурори номидан фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг даъвога Ҳ.Файзиёвнинг фуқаролик иши юзасидан чиқарган 11-V-2006 йилдаги ҳал қилув қарорини ва мазкур қарорни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида чиқарган вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг 13-VI-2006 йилдаги ажримини бекор қилиб, ишнинг янги-дан кўриш учун суднинг бошқа тартибига юбориш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди судлов ҳайъатига назорат тартибиде протест қиритишини сўраб, Республика Бош прокурорининг ўринбосари К.С.Исмонлов номига тақдимнома юборилган ва талаб қондирилган.

Дарвоқе, коллеждаги маънавий ҳолат ҳақида гап кетганда, ишдан норизо кайфиятда бўшаб кетганлар ҳам оз эмасга ўхшайди. Кўпсўзлик қилмайлик-да, тиббиёт коллежининг собиқ филизика ва биофизика фани ўқитувчиси Тўймурод домла Бекмуродовнинг фикрларига қўлға тутайлик:

«Вали Эргашев ишга тайинланган, кўп қатори мени ҳам иш кабинетига қақиртирди. Сизга ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасини бермоқчиман. Ҳозир фан ўқитувчилигидан бўшаб ҳақида ариза ёзиб қўйинг» деб буюрди. Ишон-

қирамай, кўнглим «жи» этди-ю. Лекин «ўз ихтиёрим билан» шу тартибда ариза ёздим. Орадан 2-3 ой ўтди ҳамки, директор пинагини бузмас эди. Бир-бора менга аризани алдаб ёздирганини пайқадим. Мана, 14 ойдики иш-сизман.

Яна директор ишга келгандан кейинги бир йил ичида қирққа яқин ходимлар ҳар хил сабаблар билан ишдан бўшатилди. Улар орасида мендек «ўз хоҳиши билан» кетишга мажбур бўлганлар бир талай. Мен ўзимдан кўра Ҳ.Файзиёва сингари билимдон ва хўшмуомала касб фидойиларига кўпроқ ачинаман».

Шунча гаплардан кейин хат муаллифи Ҳикоят Файзиёвани кўриб, «Опа, кўп ойдан буён ишонсиз юрибсиз. Ахир, шундай жўшқун шаҳарда иш камми?» деб сўрашга жазм этдим. У ўйланмади. Сўнгра, хўрлиги келиб, бирдан йилга юборди: «Менинг бошқа иш топшимасан. Лекин шунча йил бир эзгу-мақсад билан ишлаган азиз жамоадан «хайр-хуши» четлаб кетиш, йўқ жойдан ёмон отликка чиқиб кишига алам қилар экан. Қолаверса, меҳнат дафтарчам ўта саводсизларча бундан...»

Одамийлик анқонинг уруғи эмасдир. Шундай хайрли эътиқодлар мени тиббиёт коллежи директори Валижон Эргашев билан юзоя-юз гаплашганимни тақозо этарди. Долзарб пахта йиғим-терими мавсуми чоғида бўлгани учун қисқа фурсатгагина қиршидик. Директор таширфим мақсадини эшитгач, жавобини қисқа қилиб қўя қолди:

«Кечирасиз, масалани суд ҳал қилади, вассалом!»

Майли ундай бўлса, суднинг ҳулосаси рушнлик нурларини тарапти қолар. Қандай тушунчада қолиши раҳбарга ҳавола. Аммо вийдон амри билан ҳал этиладиган айрим қонунлар борки, у ёзилган барча қонунлардан кўра ҳам мустаҳкамроқдир. Зеро, фақат инсонларнинг севиб орқалигина адолатлар бўла олишимизни унутмайлик!

**Мансур АЛОВУДИНОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

# ИНСОФГА КЕЛИНГ, ДИРЕКТОР! Шукоят жами узидан

сала ундай тус олмастай лозим эди. Даъвога Ҳикоят Хожиевна: «15 март 2006 йил кунини мен кунини билан ўз иш кабинетимда эдим. Мени ҳеч ким йиғилишга тақлиф этгани йўқ. Навбатдан ташқари йиғилиш қароридан сўради, директор касабамизга кейингина, директор касабамизга уюшма кўмитасининг йиғилиши лозимлигини тушушунга ва йиғилиш қарорини кўмита раисидан талаб қилган деб биланман», дея кўрсатма берди.

Йиғилишнинг эртаси кунини ўқитувчи Ҳ.Файзиёвнинг «Меҳнат дафтарчаси»га «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисм 3-бандига биноан бекор қилинишида коллеж касаба уюшма кўмитасининг масалани педагогик кенгашига кўрилишига қарши эмаслиги асос қилиб олинган. Лекин касаба уюшма кўмитасининг бу ҳақдаги қарори ходимнинг «статья» билан бўшатилиши учун бе-

ушун иш ҳақи ва маънавий зарар учун компенсация ундириб беришини сўраб, даъво талаби билан чиққан, лекин, унинг талабини қаноатлантириш рад этилган.

— Суднинг ҳал қилув қароридан ҳам, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят апелляция судлов ҳайъатига ҳам Ҳ.Файзиёвнинг шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилган — дейди Навоий вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Нормурод Ҳўжақуллов биз билан суҳбатда. — Суд масала ечимида лозим бўлган базми бир омиллари назардан четда қолдирилган кўринади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 111, 112-

*Ҳар бир инсон малакали тиббий  
хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
40-моддаси



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING  
КОНСТИТУЦИЯСИ


**14**  
**ЙИЛ**

“ЎЗБЕКИСТОН”



## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

*Барча юртдошларимизни  
яқинлашиб келаётган  
Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси куни билан  
табриклайди ва бошқарма  
тасарруфида фаолият  
кўрсатаётган шифобахш  
табиий иқлим, маъданли  
сувларга бой, барча  
имкониятларга эга бўлган,  
замонавий жиҳозланган  
сиҳатгоҳларга даволаниш  
ҳамда дам олишга чорлайди!*



• **Ҳаёт сўқмоқларида**

Тонг сахарлаб кимдир фермага, яна кимдир далага отланади. Ойсара опа эса кадрдон мактаби томон ошқайди. 38 йилдирки бу ҳолат ҳар куни такрорланади. Опа мурғак қалблари чексиз шодликка, севингча тўла болажонлар соғинчи ила яшайди.

— Мактаб мен учун мўтабар даргоҳ, — дейди тажрибали муаллима. — Агар менадан қанча фарзандингиз бор, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан мингдан зиёд деб жавоб берган бўлар эдим.

Биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, олий тоифали бошланғич синф ўқитувачиси Ойсара Азизова бугунги кунда ўз бахтини оиласи, шогирдлари ва фарзандлари фаровонлигида кўради. 1967 йилда Сирдарё давлат педагогика олийгоҳини имтиёзли диплом билан тугатиб, дастлаб меҳнат фаолиятини Фаллаорол туманидаги 44-мактабда дарс беришдан бошлаган пайтларини кўп эслайди у.

Ушанда айрим тарбияси оғир, ўйинқароқ болаларнинг кулоқсизликлари гашига тегиб, турли ҳаёлларга ҳам боргани рост. Ана шунда устози Ҳабиб ака Умаровнинг йўл-йўриқ ва кўрсатмалари унга куч бағишлади.

— Узингни тутиб ол. Боланинг қалбига йўл топа олиш керак, — деганди унга устози.

Шундан сўнг Ойсара устози айтгандай йўл тутишга ҳаракат қилди. Бора-бора унинг синфи мактабдаги энг ибратли синфлар қаторидан ўрин олди.

Тиниб-тинчимас муаллима ўқувчиларга чуқур билим бериш учун нима қилиш лозим бўлса, барчасини қилади. Ҳар бир дарсни замон талаблари даражасида кўргазмалардан фойдаланган ҳолда ўтказиши. У меҳнат фахрийси Ҳўжам Исроилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Исмоил Аширматов, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ҳабиб Умаров каби меҳридор, жонқуяр устозларнинг иш тажрибаларини ўз фаолиятига тадриқ этиб кам бўлмади. Вилоятда халқ таълими ходимлари ўртасида ҳурмат-этибор қозонди.

Ойсара Азизова болажонларга сўзлаш ва муомала одоби, маданияти ҳақида узлуксиз тушунчалар беришдан чарчамайди. Машғулотларнинг қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида «Муомала ҳам зийнат», «Сўзловчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлсин», «Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, ёлгончилик эса ёвузликка» каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб боради.

Айни пайтда мактабда олий тоифали ўқитувчи Тўлғаной Санақуллова, бошланғич синф ўқитувчилари Наргиза Муродова ва Саломат Муродова каби қатор шогирдлари ҳаётда ўз йўлини топиб, эл-юртга сийқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.



**ЭЪЗОЗ**

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти

• **Касаба уюшма спорти**

Ҳаммамизга маълумки, ҳукуратимиз спортга ва унинг ривожига жуда катта эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда бирон бир муассаса, корхона, маҳалла, ўқув масканлари йўқки у ерга спорт кириб бормаган бўлса. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиши, аҳолининг саломатлигини янада яхшилашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёсдир.

Яқинда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Навоий вилоят қурилиш ва саноат қурилиш материаллари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг II аъъанавий «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.

Унда вилоятимиздаги 8 та йирик қурилиш корхоналари намояндалари иштирок этиб, спортнинг 6 тури бўйича биринчилик учун мусобақалашдилар. Бу мусобақада 220 нафардан зиёд киши қатнашди. Унга



**ҚУРУВЧИЛАР БЕЛЛАШГАНДА**

З.Латипова бошчилигидаги бир гуруҳ малакали ҳакамлар жалб этилди.

Мусобақада фахрли биринчи ўринни умумжамоа



хисобида «Қизилқумцемент» ОАЖ командаси кўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўрин «Югипромонтаж» ва «Фозгонмармар» акциядорлик жамиятига насиб этди.

Спартакиада голиблари махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

А.НОРБОЕВ

**ЧАСТНЫЙ ОТКРЫТЫЙ АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК «КРЕДИТ—СТАНДАРТ»**

Извещает о проведении внеочередного общего собрания акционеров, которое состоится 28 декабря 2006 года в 11.00 в здании банка по адресу: г. Ташкент, ул. Кунаева, 25. Начало регистрации в 9.00, окончание регистрации 11.00.

В соответствии с Решением Совета Банка от 27 ноября 2006 г. список владельцев акций банка, имеющих право на участие в общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 27 ноября 2006 г. (порядковый номер сообщения — 07).

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Увеличение уставного фонда.
2. Внесение изменений в Устав банка.
3. Распределение нераспределенной прибыли.
4. Утверждение плана размещения акций.
5. Прочее.

Дополнительную информацию можно получить по телефону: (998-71) 140-12-05, (998-71) 140-12-13.

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти

• **Ҳамкасбларимиз ҳаётимиздан**

Тожибой Алимовни яхши танимас эдим. Кейинчалик қариндош-уруғларнинг маърақаю маросимларида кўриб учрашиб, у кишига ҳавас қилиб юрдим. Буни қарангки, замоннинг зайли билан орадан 30 йил ўтгандан сўнг у киши билан «Ишонч» газетасида бирга ишлашга тўғри келди.

Бунгача Тожибой Алимов радиода муҳбир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, «Табассум» радиожурналининг муҳаррири лавозимларида 33 йил ишлабди.

Ўзбекистон телеграф агентлиги (ЎЗАТАГ)нинг Тошкент вилоятидаги махсус муҳбири вазифасида ишлаётганида «Ишонч»га қақрилибди. Ёши олтинмига бориб қолган бўлса-да ўта тезкорлиги, ўқимлиши ранг-баранг мақолаларнинг ижодкори, ҳажвия ва сатирик материалларнинг устаси эканлиги билан танилди қолди. Уша пайтда газетанда ишлаган шоир ва ёзувчилардан Сайёр, Тўлқин Имомхўжаев, Анвар Эшоннов (уларни Худо раҳмат қилсин), Тўлқин Муҳиддин (бош муҳаррир), Темир Убайдулло, Адҳам Дамин, Санъат Маҳмудова ва камина ҳам Тожибой аканинг ёниб ишлаши-ю, тезкор ижодкорлигига тан берардик. Икки йил мобайнида газетанда 20 дан ортиқ бир бирдан қизиқ ҳажвия ва интермедиялари эълон қилинди. Мен бошқа газеталарга ишга ўтиб кетдим. У киши пенсияга чиқиб, «Солиқ тўловчининг журнали»га бош муҳаррир бўлиб ишга ўтдилар. Ҳали ҳам ўша-ўша тетик, жўшқин.

У кишини сўхбатга тортдим.

— Тошкент туманида ўндан ортиқ таниқли шоир, ёзувчи, журналистлар истиқомат қилади. Лекин аҳоли сизни яхши танийди. Чунки одамларга ёрдамнингиз кўпроқ тегадир.

— Балки.

— Раҳматли кўшним Файзирахмон акага ер участкаси олишда ёрдамлашган

рига телефон қилиб Холдор аканинг дардини айтдим.

— Бу одам ҳозир ёнимда арз қилиб ўтирибди, вазирликни икки оғиз сўз билан қарғаб ўзимни мана шу тўрттинчи қаватдан ташлайман, очдан ўлгандан кўра тезроқ жон берган маъқул эмасми деяпти, — дедим. Вазир маълумотларни ёзиб олди. Уч кундан кейин кўчада кўриб бутун оиласи, бола-чақаси билан мени алқади. Олти ойлик пенсиясини уйига олиб бориб беришибди.

Бир пайтлар колхозда бригадир бўлиб ишлаган, эндиликда қариб қучдан қолган Патинисо опа иккита беш ва етти ёшли набираларини етаклаб келаётганини кўрдим. У менга:

— Мана бу гўдакларнинг отаси ўлган, онаси ақдан озиб касалхонада ётибди. Буларга тайинланган нафақани беш ойдан бери ололмайдирини кўрдим. Мана бу гўдакларнинг отаси ўлган, онаси ақдан озиб касалхонада ётибди. Буларга тайинланган нафақани беш ойдан бери ололмайдирини кўрдим. Мана бу гўдакларнинг отаси ўлган, онаси ақдан озиб касалхонада ётибди. Буларга тайинланган нафақани беш ойдан бери ололмайдирини кўрдим.

Ҳафта ўтмасдан тонг сахарда кўча эшигини кимдир секин-секин тақиллатди. Чикиб қарасам Патинисо опа, қўлида машина-ўйинчоқ, кўзларида ёш:

— Умрингдан барака топ. Сен бизни қўладинг, Аллоҳ сени қўласин. Нафақа пулларининг ҳаммасини беришди. Мана бу ўйинчоқ машиначани ўлгинг ўйнасин, деб олиб келдим, — дедилар.

— Керак эмас, набиранингизга олиб боринг.

— Ҳеч қим қилолмаган ишни қилдинг, илоҳим кам бўлма!

Худо раҳмат қилсин, умрларининг охиригача мени алқаб ўтдилар. Етимчалар вояга етишди. Маҳаллада бош-

**ҲОЖАТВАРОР**

экансиз, ўла-ўлгунча сиздан миннатдор бўлиб дунёдан ўтиб кетди.

— Унақалар кўп бўлган.

— Қани ўшалардан гапиринг бўлмаса.

— Шўро даври эди. Эрта-лаб туман марказий шифохонаси ёнидан ишга ўтиб кетаётган эдим, кўчанинг четида белини ушлаб энкайиб инграб турган аёлга кўзим тушди.

— Ҳа, синглим, нега шифохонага кирмай бу ерда инграясиз, ёрдамлашайми? — сўрадим.

— Больница мени олмаяпти, — деди. Югуриб бориб шифохонанинг эшигини тақиллатиб, врачларни қақирдим. Нина Захаровна деган рус аёли чиқиб:

— Кто вам нужен? — деб сўради.

Инграётган аёлни кўрсатиб, уни шифохонага олишларини илтимос қилдим.

— Она самовольно сделала аборт. У нее сейчас идет сильное кровотечение, скоро, наверное, умрет. Если она у нас умрет, тогда мы должны отвечать, — деди.

— Забирайте в палату!

— Кто вы, прокурор или адвокат? — Эшикни тарсиллатиб, ёпиб беркитиб олди. Бош шифокорни қақирдим. Чикди. У ҳам ҳалиги Нина Захаровнанинг гапини қайтарди.

— Агар, — дедим қатъий, — бу бемор шу шифохона ёнида, кўчада ўлиб қолса борми, сизлар қаёққа қарадинглар, деган савол урилиши табиий. У саволга жавоб сифатида сиз ишда ё коласиз, ё йўқ. Палатага олмасангиз мен ҳозир бориб марказкўмга телефон қиламан, у ёғи нима бўлишини кейин биласиз.

Инграётган аёлни замбилда шифохонага олиб кириб кетишди.

Бир ойча ўтгандан сўнг эски шаҳарда бир аёл мени тўхтатиб, сиз менинг халоскоримсиз, учта боламнинг етим бўлиб қолишдан асрадингиз, деб пешонамдан бир ўлиб йироқлашди. Бу ўша аёл эди.

Яна бир кун ишга келаётган Холдор ака деган киши йўлимни тўсиб зорланди. — Пенсияга чиққангизга 6 ой бўлди. — Лекин уни ололмайдиман. Кеч уйланганман, беш боланинг ҳаммаси ёш, ейишга номинимиз йўқ, нима қилай керак, — деб йиғлаб юборди.

Ишга келиб ижтимоий таъминот вази-

**ҚАММҚАШ**

қош бўлиб бирини уйлантирдик, бирини узатдик.

— Дуо олгин, дуо олтин эмасми, деганларидек, ўша дуоларнинг кучи биландирда мана пиру бадавлат бўлиб юрибсиз, — дедим Тожибой акага.

— Балки. Бундан қирқ йилча аввал хизмат сафари билан Қорақалпоғистонда бўлгандим. Мўйноқ шаҳридаги баллиқ консерва комбинатидан репортаж ёзгани бордим. Корхонада ишлаб чиқариш кенгаши бўлаётганининг устидан чиқибман. Бутун жамоа йиғилган. Сўзловчилар комбинатдаги ишлардан гоҳ қониқиб, гоҳ нолиб гапирарди. Бир аёл қўлида бир яшар гўдаги билан сўз олиб:

— Икки сўм ойлик маош олдим, бу билан кун кўриб бўладими, манави гўдакни эмизай десам сийнамда сут йўқ, — дея кўкракларини силкийтиб додлаб юборди.

Налишини репортёрга ёзиб олдим. Яна бир аёл сўзга чиқиб:

— Нон олиб ейишга пулимиз йўқ, эрим денгиздан баллиқ тутиб келаяди, ўшани қуруқ қайнатиб ёб, кун кўраямиз. Маош бермаган завод қимга керак, — деди.

Унинг овозини ҳам плёнкага ёзиб олдим. Мажлис тугади. Директор мени ҳар бири кўйдек, сигирдек келадиган баллиқлардан консерва тайёрланаётган цехга бошлаб кириб мақтанди ва мана буни ёзинг, деди. Мен ёзадиганимни ёзиб бўлдим, дедим.

Ҳалиги аёлларнинг овозлари ёзилган касетани Мўйноқ шаҳар партия комитетининг секретарига қўйиб эшиттирдим.

— Бу нима кўргилик? Сиз қаёққа қараяпсиз? Буни Марказкўмга ҳам олиб бориб эшиттираман, — дедим.

Шаҳарком навбатдан ташқари бюро қақирди. Унда комбинатдаги хунук ахволни муҳокама қилиб айбдорларни жазолади, нолиш қилган аёлларнинг ҳар бирига 50 сўмдан ёрдам пулини кўзим олдида тақдим этишди. Булар бундан кейин шунчадан кам маош олмайдилар, деб ваъда қилишди.

(Давоми бор)

Шавкат ТУРОБ,  
сухбатлашди

**ИПОТЕКА BANK**

*Капиталингиз кўпайишига  
имкониёт яратамиз*

	Омонат муддати	Йиллик фойз миқдори
<b>Олтин куз омонати</b>	15 кун	18 фойз
<b>Семурғ омонати</b>	1 ой	18 фойз
<b>Диёр омонати</b>	45 кун	18 фойз
<b>Фазо омонати*</b>	3 ой	18 фойз

\* 3 ойлик муддат тугагандан сўнг, омонатчи томондан омонат қайтариб олинмаса, кейинги 6 ой, 9 ой ва 12 ой муддат учун омонатчига тугаб мукофот бериш кўзда тутилган.

Ҳар 3 ойлик муддат тугамасдан қайтариб олинган омонат суммасига талаб қилиб олгунча омонатининг фойзи миқдоридан тўланади.

Маълумот учун телефонлар:  
(8-371) 132-13-18  
(8-371) 133-91-21

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган

info@ipotekabank.uz  
www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган

**БОШ МУҲАРРИР**  
Абдухалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Алла Долженкова,  
Виктор Зверев  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Маъмура Адилова,  
Мирзохид Содиқов,  
Носирхон Акбаров,  
Ойсулув Нафасова,  
Пиримқул Қодиров,  
Соғиндиқ Ниетуллаев,  
Шавкат Абдуллаев,  
Шамси Эсонбоев,  
Элёр Ёқубов,  
Фулмоқозир Юсупов

**Бизга кўнғирок қилинг:**  
**Котибият**  
153-52-78  
**Бўлимлар**  
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63  
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74  
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73  
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт бўлими: 153-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43  
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**  
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

E-mail: ishonch\_doverief@mail.ru

**Газета ҳафтанинг**  
сешанба,  
чоршанба,  
жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов  
Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев  
Навбатчи - А.Юнусов  
Мусаххач - Д.Камолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров  
Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.  
Оффсет усулида босилди.  
Бичими А-2.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нархда.

Босишга топириш вақти - 21.00.  
Топирилди - 19.20

Буюртма Г— 1315  
Тиражи: 7553